

«Тасдиқланган»

Акциядорлар умумий
йиғилишининг

2021 йил 17 декабрдаги

3-сонли баённомаси

Кузатув кенгаши аъзоси




Р.М. Хайтметов

«Рўйхатга олинган»

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2022 йил « 18 » январь

48/1 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари




Б.Э. Захидов


**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА КЎШИМЧАЛАР**

Тошкент - 2021 й.

АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчалар.

1. Уставга қўйидаги мазмунда 6.33.60 банди қўшилсин:
«Кузатув кенгаши қошидаги қўмиталар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг чораклик ҳисоботларини тинглаш.»
2. Уставнинг 6.39.6. бандидаги *«минтақавий филиаллари, туман филиаллари»* деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. Уставнинг 6.42.4. бандидаги *«филиаллар»* сўзи чиқариб ташлансин.
4. Уставнинг 6.47. бандидаги *«9 (тўққиз) нафар»* деган сўз бирикмаси *«7 (етти) нафар»* деган сўз бирикмаси билан алмаштирилсин.
5. Уставнинг 7.1. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Банк амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз филиаллари, шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва бошқа ҳудудий таркибий бўлинмаларига эга бўлиши мумкин.»
6. Уставнинг 8.14. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ички аудит хизмати Банк Бошқаруви, Банкнинг ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа ҳудудий таркибий бўлинмалари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс этирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Банк Бошқаруви, Банкнинг ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа ҳудудий таркибий бўлинмалари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.»

Бошқарув Раиси ўринбосари



Х. Рахматов